



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 4 сентябрь, чоршанба

№71 (11.459)

Эркин нарҳда сотилади

«АМЕРИКАГА ТАШРИФ – ВИЗИТ В АМЕРИКУ»



Айниқса, мамлакатимиз Президенти Исроом Каримовнинг 2002 йил 11-14 март кунлари Америка Қўшма Штатларига буюрган навбатдаги ташрифи ана шу ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида олға ташланган гоят муҳим қадам бўлганини нафақат икки мамлакат сиёсат намояндаси, балки бутун дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда. Ана

Бугунги кунда Ўзбекистон-Америка муносабатлари икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ривожланиб бораётганидан кўпчилик ватандошларимиз яхши хабардор.

Шу тарихий ташрифдан кейин АҚШ том маънода бизнинг стратегик ҳамкоримизга айланди. Шу боис бу ҳамкорлик алоқаларининг тарихи ва тадрижи, ривожланиш босқичлари, ижтимоий-сиёсий қўламини, тарихий аҳамияти ҳақида батафсил хикоя қилиш табиий бир заруратга айналди. "Ўзбекистон" нашриёти томонидан ўзбек ва рус тилларида чоп этилган "Америкага ташриф – Визит в Америку" китоби ана шу заруратни инобатга олган ҳолда тайёрланди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроом Каримов ва АҚШ Президенти Жорж Бушнинг икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг аҳамияти тўғрисидаги фикр ва хулосалари китобнинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Китобга киритилган дав-

ришга хизмат этувчи омилар ҳақида атрофлича фикр юритади.

Шунингдек, китобдан АҚШнинг атоқли давлат ва жамоат арбобларининг Ўзбекистон Республикаси ва унинг йўлбошчиси тўғрисида айтган самимий фикрлари жой олган.

Китобнинг "Америкага ташриф" деб аталишида ўзига хос рамзий маъно бор. Бу, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроом Каримовнинг 2002 йил 11-14 март кунлари Америка Қўшма Штатларига қилган расмий ташрифи ва унинг икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги улкан аҳамиятини акс эттириши, шу билан бирга, мазкур китоб воситасида ўқувчи ҳам беихтиёр Америка диёрига ташриф буюргандек, олис ва гўзал бу ўлкани ўзи учун янгитдан кашф этаётгандек бўлади. (ЎзА).

«ХАВФСИЗЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК»



Ундан юртбошимизнинг 2001 йил майдан 2002 йил июлигача бўлган давр мавқияда мамлакатимиз Олий Мажлиси сессияларида қилган маърузалари, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида, Халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари сессиялари ҳамда турли халқаро учрашувлар, анжуман ва тантанали маросимлардаги чиқишлари, оммавий ахборот воситалари хо-

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёти Президенти Исроом Каримов асарлар тўпламининг "Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак" деб номланган учинчи жилдини чоп этди.

диллари билан суҳбатлари, таърих хатлари, шунингдек, Президентимизнинг Россия Федерацияси ва Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифлари пайтидаги нуфузли учрашувларда сўзлаган нутқлари ўрин олган. Китобда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўзига хос тамойиллар, ишлохларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва жамиятда тадбиркорликни кенг қарор топтиришининг долзарб масалалари теран таҳлил этилган.

Давлатимиз раҳбарининг китобида жамиятнинг ислоҳ қилиш борасида халқимиз олдида қўйилган мақсад ва марраларга эришиш йўллари хусусида ҳам атрофлича фикр юритилган. Бу ҳақда тўхталар экан, Юртбошимиз Кадрлар

тайёрлаш миллий дастурига алоҳида эътиборни қаратади, яъни "Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этиш, шу дастур орқали юксак замонавий талабларга жавоб берадиган, янгича фикрлайдиган, мамлакатимизнинг келажак тақдирини ишонч билан таъминлаш бўлган ёш кадрларни тарбиялаш" бу борадаги ўта муҳим ва долзарб вазифа эканини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Шунингдек, китобда сиёсий қарашларга эркинлик бериш, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларнинг ўз кучини намойиш қилиши учун тегишли шароит яратиш, "сиёсий кифамаиз, ҳаётимизда ҳам ҳеч қандам кам бўлмайдиган мана шундай партиялар, ҳаракатларни, нодавлат ташкилотларни ташкил қилиш" лозим-

лиги тўғрисида ҳам муҳим фикрлар ўртага ташланган.

Муаллиф китобда жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштиришни жадаллаштириш, хусусан ҳаётимизда сўз эркинлиги тамойилини тўла татбиқ этиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолганини қайта-қайта таъкидлайди. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ҳаётимизнинг ижобий томонлари билан биргаликда фуқароларда эътироз уйғотадиган нуқсонларни ҳам очиб ташлаш, уларни "холок маълулот ва галлардан" хабардор этиш ва шу йўсинда ҳар қандай ўзи оқни қорадан ажратиш олиши, ўз тафаккурига эга бўлиш учун зарур муҳит яратиши муҳимлигига эътиборни қаратади.

Китобда серриқра ҳаётимизнинг бошқа томонларига тааллуқли фикр-мулоҳазалар ҳам баён қилинган. (ЎзА).

ЯНГИ МАКТАБДА — БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

Бу ёрни Туроб Нормухамедов номли ширкат ҳўжалигида каттаю кичик ширин бир ташвиш билан ўтказди. Ҳўжалик аъзолари, айтиш мумкин, ёппасига қурувчиларга айланишди. Уларнинг маблаги ва меҳнати билан барпо этилган ўрта мактаб биноси Истиқлол байрами кунлари ўқувчиларга ўз эшикларини очди.

— Йиллар ўтади, — деди мазкур мактабнинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Умнат Мирзақуллов ўқувчиларга мурожаат қилиб. — Сизлар ўсиб-ўлғаясиз, ўшанда мана шу 620 ўринли янги мактаб очилган бугунги кунни, бу шинам мактабни қуриб, компьютерлашган синф хоналарини жиҳозлаб берган саховатли инсонларни эслаб юрасиз.

Шу кун мактабни барпо этишга бош-қош бўлганлар қаторида ҳўжалик раҳбари Обидхўжа Султоновнинг исми бот-бот тилга олиндики, бу бежиз эмас. Унинг ташаббуси билан бошланган бу қурилишга ҳўжалик 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Келажакдан умиди катта бўлган, истиқболи олдида масъулиятни чуқур англаган бағрикенг ва саховатли кишиларгина шундай қадам қўя олади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев мактабни очиб пайтида ана шулар ҳақида гапириб, ўқувчиларни

Билимлар кунни билан қизгин қутлади. Вазирлик мактабда компьютер синфини жиҳозлаш учун 15 миллион сўм ажратди. Ўзбек-турк «УстСелим» маориф уюшмаси янги мактабга кутубхона жиҳозлари, китоблар ҳадя этди. Мактаб қурилишига қишлоқ тадбиркорларидан Ботир Жоматов, Ҳаким Содиков, Хусниддин Нормухамедов, Талъат Дадажоновлар ҳам салмоқли ҳисса қўшишди.

— Бугина эмас, — деди мактаб директори Тоҳир Раҳабоев. — Ҳўжалик ўқувчилар тажриба майдони учун икки гектар ер ҳам ажратиб берди. Келажакда режа бўйича ёпиқ сузиш ҳавзаси, спорт зали ва ўйингоҳ барпо этилади. ... Дилларни ҳақиқатириб биринчи қўнғироқ чалинди. Йиғилганларнинг қарсақлари остида тасма киркилиб, янги мактабда дастлабки машғулотларни бошлаш учун ўқувчиларни ичкари чорлашди.

Жўраев МУРОДОВ.



«ЧИНОЗ ТЎҚИМАЧИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мустақиллик йиллари шаҳар ва қишлоқларда ишга туширилган қўшма корхоналар вилоятимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётди.

«Чиноз тўқимачи» қўшма корхонаси қисқа муддатда бу борада етакчи ўринлардан бирига чиқиб олди, десак янглишмаймиз. Ўзбек-Турк-Япон иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигининг ҳосиласи бўлган бу корхона ўзи маҳсулотининг асосий қисмини хорижга

экспорт қилаётти. — Туманимизда бу корхонанинг очилиши 680га яқин кишини иш билан таъминлади, — дейди йиғирувчи Мажуда Норжигитова. — Биз қисқа муддатда йиғирувчи ва тўқувчи касбларини эгаллаб олиб, замонавий дастгоҳларни бошқармоқдамиз.

Корхонада ишловчиларнинг 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар учун яратилган қўлай ишлаб чиқариш ва маиший шароитлар меҳнат унумини ошириб боришга, маҳсулот сифати жаҳон андозалари даражасида бўлишини таъминлашга имкон яратмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Қалаваловчи Лена Йўлдошева ўз меҳнати натижаларидан мамнун. 2. Операторлар Юлдуз Қўқонбоева (ўнгда) ва Людмила Фелина ноёб ускуналарни бошқаришда. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Мустақиллик 11 йил ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ

Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида катта шодоналик билан нишонланди

Мана ўн бир йилки, мамлакатимиз ўзига хос, ўзига мос йўл билан ўзининг буюк келажак сари интилоқда. Давлат байроғимиз ҳозирги дунёнинг долзарб масалалари муҳокима қилинаётган халқаро анжуманларда эркин-эмин ҳўлпираяпти. Йирик, бутун Марказий Осиёда ўхшаш йўқ автомобиль ва шакар ишлаб чиқарувчи, саховатли она замин қаъридан олтин, қумуш ва бошқа ноёб маъданларни қазиб олиб, жумлаи жаҳонга қўз-қўз қилгучи корхоналар, энг сўнги замонавий технологиялар асосига қурилган завод ва фабрикалар, етти иқлим шаҳарларига учайтган самолётлар, уммонлар оша етиб бораётган Ўзбекистон нози-неъматлари — озода ва ҳур диёримизнинг бугунги довуғи шулар.

Серкўёш юртимизнинг водий ва воҳаларида пахта далаларимиз, мева ва узум боғларимиз, галлазорларимизга мустақиллик ўз баракатини сояпти. Деҳқон, чорвадор, соҳибқорю галларкор меҳнатининг, турли жилва ва шаклларда намойён бўлаётган янги давр ҳўжаликлари соҳибларининг меҳнат натижаларини шаҳар ва қишлоқларимизнинг замонавий қўфаларида, йўлларимиз раволиги, кўприкларимиз адллигида кўриш мумкин.

Бугунги Ўзбекистон қадди-баста, мадания-иқтисодий камоли шу қадим юртимизда яшаб келаётган миллатлар, эл-элатлар фарзандлари баҳамжиҳат меҳнатининг ҳосиласи сифатида мафтункордир.

Биз кунни кеча мустақил Ўзбекистонимизнинг ўн бир йиллигини нишонладик. Мамлакат пойтахтининг бош майдонда бўлиб ўтган халқ сайлиги, байрақнинг бетакрор шўққи мамлакат шаҳар ва қишлоқларидаги умумхалқ тантаналарига уланиб кетди. Айтиш мумкинки, 1 сентябрь кунни бутун юртимиз бамисоли яхлит бир сайилгоҳга айланди. Ўз бахти, бугунги тинч ва осойишта ҳаётининг шўққонаси янглиғ ўтган Мустақиллик байрамининг шўқ-шўқ оҳанглари вилоятимизнинг барча гўшаларида акс-садо берди.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

«БУНЁДКОР-А» ТУҲФАСИ

Мустақиллик байрами кунни Қўйичириқ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба ҳўжалигида 422 ўринли мактаб биноси қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотни бунёд этишда тумандаги «Бунёдкор-А» фирмаси ўз куч-қудратини аямади. Қурилиш ва монтаж ишлари учун 115 миллион сўм маблағ сарфланди.

САРИШТАЛИ УЙ — ФАРИШТАЛИ

Янгиёул шахридаги «Янги ҳаёт» ширкати кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи уй беклари ўртасида «Покиза, саранжом-сариниш хонадон» кўрик танловини ўтказди. Бу танловда хонадон беклари Машқара Қосимова ва Ойша Мирзаева-лар голиб деб топилди. Голиблар танлов ҳомийлари томонидан муносиб тақдирланди. Зухра ҲАЙДАРОВА.

ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ КЕНГАШ

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими ходимларининг илмий-услубий кенгаши бўлиб ўтди. Унда касб-ҳўнар коллежларида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» иккинчи — сифат босқичининг устувор

вазифалари ҳамда долзарб муаммоларини ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди. Ўз муҳбиримиз.

ЁШЛАРНИ СОВРИНЛАР КУТМОҚДА

Олмалик шахрининг ёш спортчилар мактаби ва Олмалик кон-металлургия комбинатида қарашли «Металлур» сузиш ҳавзасида вонга етмаганлар ўртасида спорт мусобақалари бошланди. Шаҳар спорт қўмитаси, «Маҳалла» жағфармаси ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти 41 маҳалладан ташриф буюрган ёшлар орасида голибларни аниқлайдилар. Уларга шаҳар

АВИАМОДЕЛЧИЛАР КУБОГИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан Ўртачириқ туманида авиамодел спорти бўйича эркин парвоз қилувчи моделларнинг республика кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Унда 8 та вилоят ҳамда Тошкент шаҳри авиамоделчи жамоалари иштирок этдилар. Ҳар бир жамоа аъзолари ўзлари яратган янги авиамоделларнинг эркин парвозини томоша-

бинлар олдида намойиш қилишди. Мусобақа натижаларига кўра вилоятимиз вакиллари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгалладилар. Ўз муҳбиримиз.

ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТ

Мустақилликимизнинг ўн бир йиллиги муносабати билан Юқоричириқ тумани ҳокимлиги 130 нафар кексалар, деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган кишиларни Самарқандга саёҳатга юборди. Уч кун давом этган сафарда юқоричириқликлар бу муътабар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлди-

ТУМАНГА КЎРК БАҒИШЛАДИ

Оққўрғон тумани марказида барпо этилган замонавий ва миллий меъморчилик аъёналари оқилона уйғулаштирилган янги касб-ҳўнар коллежи биноси, ўндан ортққ озққоват дўконлари, марказий бозор ва маиший хизмат мажмуалари шаҳар ҳўснини янада очди.

«Оққўрғон» ширкат ҳўжалигида қуриб битказилган икки қаватли, 500 ўринли мактаб янги йилидан ишга тушди. Шунингдек, янги барпо этилган болалар бошқарувининг очилиш маросими истиқлол байрами тантаналарига уланиб кетди. «Ўзбекистон» ҳамда «Гулистон» ширкат ҳўжаликларида бунёд этилган қишлоқ шифокорлик пунктлари ҳам мустақилликнинг ўн бир йиллигига муносиб совға бўлди.



ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ

Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида катта шодиёналик билан нишонланди

ЗАНГИОТА

Мустақиллик байрами арафасида Фотима билан Омилжон тўртинчи ўғилларига Комил деб исм қўйишди. Ёш оила бунда ўзига хос бир моҳиятини жамлади. Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йили вужудга келган бу хонадон ўз тўнғич фарзандига озод ва адолатли замин оstonасида турганлиги шарафига Одил деб исм берган эди. Одилжон бугун аъло баҳолари, дастлабки меҳнат кўникмалари билан ҳаммани қувонтирапти. Бу юрт озод яшашига, уни ҳимоя қилишга қодирлиги тимсоли билиб, Ватан хизматида камарбаста туришини ният қилиб, Ёш оила иккинчи ўлига Абдуқодир деб исм қўйди. Ёш оила биз ҳам ўз бахту-тахтимизни меҳнат билан яратишга қобилмиз дея, умид билан, ишонч билан яшамокда. Учинчи фарзанд — Қобилжоннинг болаларна шўхликлари тиниб-тинчимаслиги, қизикувчан шуурида тўғён урган минг бир саволлар билан катта-кичкини лол қолдиришларини ўз йўлини топиб олган юртининг эртанги кунига муқояса қилиш мумкин.

Ошонгузар сайилгоҳида 1 сентябрь тонгида ўз келажи сари мана шундай тапниб яшаётган юзлаб оилаларни жамулжам қўриш мумкин эди. Кейинги икки уч йил ичида ўз қиёфасини кескин ўзгартирган бу шаҳарча кўчаларида, спорт ўйингоҳида, соя-салкин боғда Уртаовул ва Хонобод, Дамачи ва Бўзсув, Назарбек ва Иттифок, Катта Қабни ва Октепа қишлоқларида келган мўйсафидлар, йигит-қизлар, болалар кун бўйи мириқиб дам олишди. Кейин куй-қўшиқ янграб бош сахнада ёшлар рақси бошланди. Эл севган санъаткорларнинг хур Ватан, тинчлик ҳақидаги, меҳнат аҳлини улуғловчи қўшиқлари байрам иштирокчиларига хузур бағишлади. Туман маҳаллалари ва ҳўжаликлари ёган тўкин дастурхонлар атрафида ширин-ширин суҳбатлар оқшомгача давом этди.

БЕКОВОД

Мустақиллик байрами шодиёналари шаҳарнинг маҳалла ва гузарларида ҳам ўзига яраша тантанавор нишонланди. Ўз мазмун-моҳиятига кўра бу байрам ўн бир йил ичида бекободликлар эришган улкан муваффақиятлар, буюк ўзгаришлар, она Ватанга Абдор Хидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театри ижодий жамоасининг «Кўшиқ ва кулгу кечаси» байрам дастури шаҳарликларни беҳад мамнун этди.

ЯНГИЙЎЛ

Мустақиллик йилларида Эски Қовунчининг яратувчилик, бунёдкорлик фазилатлари қайтадан тикланди. Шаҳарда қўлаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилиши, кенг қўламадаги ободонлаштириш, таъмирлаш ишларининг амалга оширилганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Қайси маҳаллага борманг, янги қурилишлар, бежирим маданий-маиший хизмат корхоналари, замонавий кичик ишлаб чиқаришлар бар-по этилаётганининг гувоҳи бўласиз. Байрам арафасида яна 16 та янги иншоот фойдаланишга топширилди. Шаҳар маҳаллада қад кўтарган «Интизор она» ҳайкалининг очилиш маросими мустақиллик байрамининг

(Давоми. Боши 1-бетда).

бошланишига дечоба бўлди. Охунбоев маҳалласида ишга туширилган маиший хизмат кўрсатиш мажмуи, таянч пункти, шаҳар болалар касалхонаси комплексининг қурилиши, Мустақиллик маҳалласида ишга туширилган «Жасурбек» оталар чойхонаси, Фаворалар комплекси шаҳар қиёфасини яна ҳам очиб юборди.

1 сентябрь куни «Алишер Навоий гулшани» маданият ва истироҳат боғи эрта тонгдан шаҳар меҳнатқашлари ҳамда меҳмонлари билан гавжумлашиб кетди. Бу ерда шаҳар марказий маданият уйи бадий ҳаваскорлик дасталарининг байрам дастури кечгача давом этди. Истеъдодли эстрада хонандалари Нодирбек Лутфуллаев ва Абдулла Қурбоновлар ижро этган истиқлол ва она юртин ардоқловчи қўшиқлар байрам шукуҳига-шукуҳи кўшиди.

ДЎСТОБОД

Истиқлолнинг ўн бир йиллиги арафасида Қўйичирчиқ тумани маркази — Дўстобод шаҳрининг кўчалари, хибонлари ва оромгоҳлари байрамона тус олди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан Мустақиллик тантаналари олдидан ижтимоий-иқтисодий тараққиётга катта ҳисса қўшган меҳнат фахрийлари, қарилк гаштини сураётган обрў-эътиборли қарияларни истиқлол байрами билан қўлаб, махсус совғалар топширилди.

Бу йилги байрам шодиёналари тумандаги барча қишлоқларда 31 август куни бошлаб юборилди. Эрталабданок байрам дастурхонлари атрафида ўйин-кулги авжига кичди. Эл севган хонанда Абдулхай Каримов, сўз устаси Обид Асомов давраларга фойз ва кўтаринкилик бағишладилар.

1 сентябрь куни эса туман аҳли марказий ўйингоҳни тўлдирди. 16 та ҳўжалик ва 8 та ишлаб чиқариш корхонаси жамоалари ўзлари учун ажратилган жойларини эгалладилар. Туман ҳокими байрам тантаналарини очиб, йиғилганларни Ўзбекистон мустақиллигининг ўн бир йиллиги билан қизгин табриқлади. Республика пойтахтидан ташриф буюрган таникли санъаткору қизикчилар байрам тантаналари иштирокчилари хизматида бўлишди.

ОҚҚЎРҒОН

Тумандаги 13 та ҳўжалик, 45 та корхона ва ташкилот, 16 та маҳаллада истиқлолнинг ўн бир йиллиги байрами шодиёналари хайр-эхсон тадбирларидан бошланди. 123 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, 162 нафар афгон уруши қатнашчилари, боқувчисини йўқотган 118 нафар ёлғиз кексалар, 600 нафардан зиёд етим-есир болаларга 8 миллион 270 минг сўмлик байрам совға-саломлари улашилди.

Шу кунни дастурхонларга ош тортиди. «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси санъаткорлари соат ўн учгача халқ сайли иштирокчилари хизматида бўлдилар. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган хонанда Юлдуз Абдуллаева сахнага қайта-қайта тақлиф этилди.

Тушликдан сўнг туман бадий ҳаваскорлик жамоалари навбатни олиб, махсус байрам дастурларини намойиш этди.

Шу кунни марказий ўйингоҳ ёшлар билан, айниқса, гавжум бўлди. Бу ерда спортчилар томонидан кўргазмалли чикишлар, турли спорт мусобақалари уюштирилди.

БЎКА

1 сентябрнинг эрта тонгида бўкаликлар қарнай, сурнай ва ногораларнинг жўр овозидан уйғондилар. Марказдаги сайилгоҳда дошқозонлар осилиб ош дамланди. 3 минг кишига мўлжаллаб, байрам дастурхони тўзалди. Тумандаги барча ҳўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалардан тақлиф этилган фаоллар жам бўлишга, кўнгилларга илқилик, хуш қайфият бағишловчи куй-қўшиқлар садоси остида дастурхонга ош тортиди.

Бир пиёла чойдан сўнг ўзбек халқининг энг улуғ, энг азияз байрами —

истиқлолнинг ўн бир йиллиги тантаналари бошланди. Мактаб ўқувчилари сахналаштирилган табрик томошаларини намойиш этдилар. Туман бадий ҳаваскорлик жамоалари сайил қатнашчилари хизматида бўлишди. Спортчиларнинг кўргазмалли чикишлари концерт дастурлари билан уйғунлашиб кетди.

ЮКОРИЧИРЧИК

Юкоричирчиқ тумани марказидаги истироҳат боғида қин уртада бунчалик кўп одам тўпланган эмасди. Мус-

дек «Муножот», «Жемчуг» дасталари ўзларининг куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этди.

Шунингдек, Болтабевлар оиласининг цирк сахна кўринишлари барчага манзур бўлди. Айниқса, қариялар ўртасида бўлиб ўтган кўрик-танлов байрамга ўзгача руҳ бағишлади. У «Қариялар тажрибаси ва билимлари — мустақиллик хизматида» деб номланди. Кексалар ҳаётий ҳикматларни, тажрибаларини сўзлаб беришди.

Танловда бордонқўллик Тожибой ота Тўйчиев ғолиб бўлди.



СУРАТЛАРДА: Тошкент туманида улуг аём шундай кўтаринки руҳда нишонланди. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

тақиллик байрами тантаналарида сайилгоҳга 15 мингга яқин одам жам бўлди.

Туман ҳокими тантаналарни очар экан, барчани улуг байрам билан қўлаб, ўн бир йилда юртимизда, қолаверса, Юкоричирчиқ туманида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва қилиниши зарур бўлган ишларга тўхтади.

Шундан сўнг байрам иштирокчилари ва меҳмонлар дастурхонга тақлиф этилди. Хаваскор ёш ижрочилар, шунинг-

Шунингдек, байрамда агросаноат ходимлари касоба уюшмаси туман кўмитаси совринлари учун спартакиада бўлиб ўтди. Ширкат ҳўжаликларида меҳнат қилувчи ёшлар футбол, волейбол, тош кўтариш ҳамда шахмат, шашка, стол тенниси бўйича кўч синашдилар. Натижаларга кўра «Гулистон» ширкат ҳўжалигининг спортчилари биринчи, «Дўстлик» ҳамда «Ўзбекистон» ширкат ҳўжаликлари спортчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Байрамда савдо ярмаркалари таш-

кил этилди. Қишлоқ ҳўжалик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда юкоричирчиқларга тўхфа этилди.

Тантаналар Бордонқўл, Оққовоқ, Арганчи қишлоқларида ҳам алоҳида кўтаринкилик билан ўтди.

ПАРКЕНТ

Саҳар чоғи янграган қарнай, сурнай наволари паркентликларни тантаналарга чорларди. Марказий сайилгоҳда мингдан ортиқ одам тўпланди.

Шу кунни туманда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ҳақида гапирилди. Байрамнинг бадий қисми бошлангач, турли сахна кўринишлари, қизикорли дастурлар намойиш этилди. «Обод хондон» ва «Обод маҳалла» кўрик-танловларининг яқуний босқич натижалари ҳам байрам тантаналарида эълон қилинди.

Унда «Обод хондон» танлови ғолибаси деб паркентлик Махмасодиқовлар оиласи топилди. «Обод маҳалла» кўрик-танловида Навоий маҳалласи ғолиблики қўлга киритди.

Шу кунни Заркент бува зиёратгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, байрам кунни Бойқозон қишлоғида ёшлар учун спорт мажмуаси ҳам иш бошлади. Шу ёрнинг ўзига қариялар чойхонаси ҳам жойлашган.

Мустақиллик байрами тантаналари Паркентнинг Чанги, Бойқозон, Намданак, Боққизилсой ва бошқа қишлоқларида ҳам кечгача давом этди.

ТЎЙТЕПА

1 сентябрь кунни Тўйтепа истироҳат боғи тонги 5.00дан туман аҳли билан тўлди. Бир пиёла чой устида кишилар мустақиллик, у берган имконият, незматлар ҳақида сўзлашдилар.

Тантаналарда «107 тонна Ўртачирчиқ пилласи», «50 минг тонна галласи» деб номланган гуруҳлар туманда пиллачилик ҳамда галлачиликда эришилган ютуқларни сахнада намойиш этдилар. Йиғилганларга ош тортиди.

Байрам шодиёналари Қайтмас, «Ҳақиқат», «Гулистон», «Ўзбекистон», Ким Пен Ха номли, Охунбоев, Навоий номли, «Истиқлол» ширкат ҳўжаликлари марказларида ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

Ушбу байрам тадбирларида илғорларга ва кам таъминланган оилаларга 1 миллион сўмликдан кўп совға-саломлар топширилди.

ЧИНОЗ

Мустақиллик байрами тантаналари Чиноз туманида ҳар йилгидан ҳам фойзли, тароватли тус олди. Чиноз ва Янги Чиноз, Олмазор шаҳарчалари, Эски Тошкент қишлоғида эрта тонгдан бошланди. «Нуроний», «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари байрам тантаналарининг кўтаринки руҳда ўтишида фаол қатнашди. Қарияларга алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Туман ҳокимлиги вакиллари ёлғиз қариялардан 44 кишининг хондонига ташриф буюриб, киммат-баҳо совғалар топширди. Марказий ўйингоҳда ўсмирлар ўртасида таэквондо, кураш, футбол мусобақалари ўтказилди. Санъаткорлар кечгача бай-

рам иштирокчилари хизматида бўлишди. Қишлоқ ҳўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.

КЕЛЕС

Мустақиллик шодиёналари Тошкент туманида ҳам ўзгача тароват, хурсандчилик билан ўтди. Истиқлол йилларида туман ижтимоий-сиёсий, қишлоқ ҳўжалик ва бошқа соҳаларда қўлга киритган ютуқлар ҳақида гапирилиб, байрам иштирокчилари қизгин қўлашди. Байрамнинг бадий қисмида туман маданият бўлими миллатлар тотувлиги тимсолида турли чикишлар уюштирди. Тантаналар давомида туман ҳокимлиги 1991 йил 1 сентябрда тўғилган истиқлол тенгдошларига кимматбаҳо совға-саломларини топширди. Қарияларга дастурхон ёзилиб, ош тортиди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлиmlари, 10 та қишлоқ фуқаролари йиғинлари байрам кўнгилли ўтишига бош-қош бўлди.

Ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари, дор ўйинлари, очик саҳналарда куй-қўшиқ ва рақслар кечгача давом этди.

ГУЛБАҲОР

Мустақилликнинг ўн бир йиллигига бағишланиб Янгийўл туманида ўтказилган байрам тантаналарида мустақиллик йилларида юртимизда қўлга киритилган ютуқларда туман аҳлининг беқиз ҳиссаси, улдуш борлиги алоҳида таъкидланди.

Байрам тонгида уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларидан 150 нафар кишига дастурхон ёзилиб, ош тортиди. Марказий ўйингоҳда ўсмирлар ўртасида кураш, футбол мусобақалари ўтказилди. Туман маданият бўлимининг хушовоз хонандалари, таникли қўшиқчилар Олмазон Хайитова, Бобомурод Хамдамов, Нодир Лутфуллаевлар ижросидаги қўшиқлар байрам қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

ОҲАНГАРОН

Шаҳар марказидаги Фаворалар майдони эрта тонгдан байрам иштирокчилари билан гавжум бўлиб кетди. «Хонобод» маданият ва истироҳат боғида шаҳар болалар ва ўсмирларнинг ижодий маркази уюштирган топишмоқ-концерт эса юзлаб томошабинларни қизиқтириб қўйди. «Цементчи» ўйингоҳидаги катта байрам томошаларида шаҳарликлар мириқиб дам олишди. «Оханграбо» фольклор дастаси, «Наврўз», «Нафосат» гуруҳларининг санъаткорлари ўз маҳоратларини даврасида қизикчи Хожибой Тожибоев пайдо бўлди, майдон узра хондон кулгу қайта-қайта янгради. Байрам тантаналари оқшом гала-концерти билан яқунланди.

Истиқлол байрами ўн бир йиллик мустақил ривожланиш самараларининг ўзига хос сарҳисобига айланди. Унинг иштирокчилари илохотлар очаётган имкониятлар, саноат, қурилиш, қишлоқ ҳўжалигида, соғлиқни сақлаш ва маданий-меърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида гуруҳ ва ифтихор билан гапирди, келажақ режалари, орау-умидларни тилга олишди.

Байрам тантаналари Олмалик, Ангрэн ва Чирчиқ шаҳарларида ҳам умум-халқ шодиёнасига айланиб кетди. Барча шаҳар ва туманларда ярмаркалар ташкил этилди. Оммавий-маданий тадбирлар катта ташкилотчилик ва уюшқоқлик билан уюштирилди.

Истиқлолнинг ўн бир йили тарихга айланди. Ўзбекистон ўзининг буюк келажи сари яна бир дадил одим ташлади. Байрам иштирокчиларининг ишончи қомил бўлдики, бу қадамлар яна ҳам шахдамлашади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Жўрабек МУРОДОВ, Шавкат ҚУЛИБОВ, Ҳасан САЪДУЛЛОВ, Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари.

БАНК ТИЗИМИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Банкар уюшмасида республика Марказий Банки ва «ЈКА» Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда «Халқаро андозалар бўйича бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш» мавзусида анжуман ўтказилди.

Анжуманда бухгалтерия ҳисобини юритишда халқаро андозалар асосида иш олиб бораётган Марказий банк ходимлари, банкар уюшмаси ва банк молия академияси масъул ходимлари ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги вакиллари қатнашди. Иштирокчилар эътибори бухгалтерия

ҳисобини юритишда халқаро андозаларга ўтиш қандай фойда бериши, республика тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиётларини олиб бориш масалаларига қаратилди. Семинарда «ЈКА» Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги эксперти ўз маърузаси билан қатнашди. У бухгалтерия ишларини юритишда халқаро андозалар механизми қандай бўлиши кераклиги ҳақида тушунча берадиган, бунинг ўзига хос тартиб ва тушунчалари борлигини ва уларнинг ҳар бири ўзига хос маъно ва мазмунга эга эканлигини таъкидлади.

Халқаро андозалар асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш банкчиларнинг нафақат рақамларга бўлган муносабатларини, балки бугунги иқтисодий фаолиятга аник ва тўғри

«Туркистон-пресс».

КИЧКИНТОЙЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Республикада янги туғилган чақалоқларни она сuti билан боқишга бағишланган ҳафталик бошланди. У Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Педиатрия институти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Маълумки, чақалоқлар ва ёш болаларни тўғри овқатлантириш инсон саломатлигини белгиловчи энг муҳим омиллар сирасига кирди. Овқатлантиришнинг рационал тамойил ва услублари овқатланишдаги бузилишлар ва дунёнинг базми мамлакатларда кенг тарқалган ўсишдан тўхтаб қолиш ҳолатининг олдини олиш имконини бе-

ради. Аниқландики, чақалоқларни она сutiдан ажратиш, уларни сунъий овқатлантиришдаги нуқсонлар, махсулот сифатининг пастлиги гўдақлар касалликлари ва ўлимга олиб келади. Шу сабабли бу борада халқаро ташкилотларнинг турли ҳужжатлари қабул қилинган. Уларда болаларни эмизишнинг афзалликлари тарғиб қилинади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ва бошқа ташкилотларнинг савй-харакатлари туфайли мамлакатимизда 2000 йилга келиб фақат она сuti билан боқиладиган болалар сони 22 фоизга кўнайди. Республикада аҳолиси орасида чақалоқларни она сuti билан

боқилишнинг афзаллиги ҳақида аниқланган фикр мавжуд. Бироқ, фақат эмизишнинг бу даражада умумий тушунилиши бу борадаги тарғибот ишларини давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

Ҳафта давомида кўпгина туғруқхоналарда, Республика тиббиёт муассасаларида қатор тадбирлар, «давра суҳбатлари», аёлларнинг малакали шифокор-педиатрлар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Улар болалар соғлигини химоялашда чақалоқларни она сuti билан боқилишнинг аҳамияти, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қурилатган чораларни янада яхшилаш, маъзур соҳага алоқадор муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланади.

Ў.А.

Асосий қонунимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ



64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини воқea етунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.
Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан махрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

Фарзандларнинг яшаши, камол топиши учун оила бирдан-бир макон ва табиий муҳит бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2-моддасига асосан, бола туғилган ва яшаб турган оиллага унинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг ҳуқуқ ва мафратларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилади.

Ўз фарзандларини 18 ёшга етгунга қадар моддий жиҳатдан таъминлаш ва тарбиялаш мажбуриятлари ота-оналарнинг болалар ва жамият олдидиги бурчларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Имом Каримов бола тарбияси ҳақида шундай деган эди: «Хар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолдини кўриш, ота-онасига ва Ватанга садоқатли кишилар этив воқea етказишдан иборатдир». Шунинг учун ҳам ота-оналар болаларни Ватанга содиқ, меҳнатсевар, ишбилармон ва жамият қурилишининг фаол иштирокчиси қилиб тарбиялашлари лозим.

Болаларни тўғри тарбиялашда ҳуқуқий нормаларни билиш, давлат ва унинг қонунларини ҳурмат қилиш, шунингдек, уларнинг талабларига оғишмай риоя қилиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуқий нормалар ёш авлодни меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш, давлат ва жамият олдидиги ўз бурчларини тўғри тушуниш ва уни оғишмай амалга ошириш руҳида тарбиялайди.

Болаларнинг ўз ота-оналарини билишлари БМТ томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги қарори билан ратификация қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг 7-моддасида ўз аксини топган. Воқea етмаган боланинг ота ёки онаси деганда, қонуний никоҳда турган эркак ва аёл ёки қонун билан белгиланган тартибда оталиги ёки оналиги аниқланиб, фуқаролик ҳолати дололтаномалари қайд этиш дафтарида боланинг отаси ва онаси сифатида кўрсатилган (ёзилган) шахслар тушунилади. Шунингдек, Конвенциянинг 14-моддаси 2-бандида, ушбу Конвенцияга қўшилган давлатлар ўзларининг миллий шароитлари ҳамда аънадаларини ҳисобга олиб ва ўз моддий имкониятларидан келиб чиқиб, ота-она ва болаларни тарбияловчи бошқа шахсларга ёрдам беришлари лозимлиги назарда тутилади. Бу муҳим масалани тўғри ва самарали ҳал этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва зарур бўлган чоралар қилинган амалга оширилмоқда. Жумладан, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятлари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунда ҳам белгилаб берилган.

«Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, — дейилади мазкур Қонуннинг 30-моддасида, — ўзларининг воқea етмаган болалари учун таълим шакллари, умумтаълим муассасаси тури ва ўқитиш тилини танлаш, таълим муассасаси маъмуриятидан ўқув юртлири низомида тарбияланган зарур шарт-шароитлар яратилишини, болага ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш, шунингдек, таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларига эгадирлар».

Ота-оналар ўзларининг воқea етмаган болаларини шахсан тарбиялаш ҳужжидан келиб чиқиб, уларни ғайриқонуний тарзда ушлаб турган бошқа хар қандай шахсдан талаб қилиб олишда устун ҳуқуққа эгадирлар.

Шу билан биргаликда ота-оналар томонидан воқea етмаган болалари ҳуқуқларининг камситилиши, уларга жисмоний азоб берилиши, уларнинг таъминотига доир мажбуриятларини бажармасликлари қонун томонидан қораланади ва тегишли жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Масалан, алимент тўлашдан қасддан бўйин товлаш ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан махрум этишига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ота-онаси тарбиясидан махрум бўлган воқea етмаган болаларнинг оилда тарбиялаш ҳуқуқини таъминлаш вазифаси ва жамиятнинг оғишмай риоя қилинади. Васийлик ва ҳимойлик органларининг ота-оналари тарбиясидан махрум бўлган воқea етмаган болаларни фарзандликка бериш, оиллага тарбияга бериш (патронат)лари уларнинг оилда тарбиялаш ҳуқуқидан фойдаланишларини таъминлайди.

Эргаш САЙТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари,
3-даражали адлия маслаҳатчиси.

Мақтаб ҳаёти

ТАЖРИБА КЕНГ ЁЙЛМОҚДА

Янги ўқув йилидан бир қатор мактабларда 9-синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими жорий этилганлиги муҳим янгилик бўлди. Утган йили бу тартиб Бекобод туманининг мактабларида тажрибадан ўтказилди.

Келгуси йилдан бошлаб барча синфларнинг ўқувчилари дарсликларни ижарага олиб ўқишади. Бу ота-оналарга ҳам маъқул бўлмоқда. Чунки ўн номдаги дарслик китоблардан ўқув йили давомида фойдаланилгани учун фақат 3250 сўм тўланади. Инглиз тили ўқитилмайдиган синф дарсликлари мажмуаси эса 2950 сўмга тўғри келмоқда. Бу нархлар дарсликларни сотиб олишдан кўра қарийб 8-9 баробар арзон.

Ўз муҳбиримиз.

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 9, 16, 23, 30-октябрь кунлари соат 10.00да ўтказиладиган набатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 9, 16, 23, 30-октябрь кунлари соат 10.00да ўтказиладиган набатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:
1. Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли, Олмалик шаҳар, Фурқат кўчаси 24-уйда жойлашган ётоқхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 17 511 440 сўм (ер майдонлари бу баҳога қирмайди).

Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордени олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдордаги маблағ ва ДСИ томонидан хатланган мулк учун баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiyfashtrishga ko' maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти бизнесининг ўнг қаноти.
Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТИЗИМИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва статистика вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо мажмуи томонидан мамлакатимизда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенг қўламда ривожлантириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилмоқда. Ушбу дастурда ички Истеъмол бозорини, шунингдек, мамлакатнинг экспорт имкониятини кенгайтириш мақсадида халқаро стандартлар даражасида сифатли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни жа-

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 45 "А" уй.
Телефонлар: 132-64-10, 132-64-81, 132-63-29, 132-63-71.

Утган йилнинг ҳудди шу кунлари эди. Йўлда тасодифан янгийўлик дўстимни учратиб қолдим. Қўриқинишдан бироз хафироқ эди. Хол-аҳвол сўрашган, «тинчликми, хомшўроқсан?» деб сўрадим.

«ОМАДЛИ»НИНГ ОМАДИ

«Омадли»нинг омади — ёки тадбиркорга яратилган имтиёзлар шарофати ҳақида

Утган йилнинг ҳудди шу кунлари эди. Йўлда тасодифан янгийўлик дўстимни учратиб қолдим. Қўриқинишдан бироз хафироқ эди. Хол-аҳвол сўрашган, «тинчликми, хомшўроқсан?» деб сўрадим.

«Омадли»нинг омади — ёки тадбиркорга яратилган имтиёзлар шарофати ҳақида

Утган йилнинг ҳудди шу кунлари эди. Йўлда тасодифан янгийўлик дўстимни учратиб қолдим. Қўриқинишдан бироз хафироқ эди. Хол-аҳвол сўрашган, «тинчликми, хомшўроқсан?» деб сўрадим.

Ислоҳот, имконият, изланиш

Узлари баҳаришади, фақат катта ҳажмдаги қурилиш ишлари уста ёлланади. Айтмоқчимизки, бирон сўм бехуда сарflanмайдми. Хеч кимга сир эмас, мустақилликдан аввал халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳасида исрофгарчилик, бош-бошдоқлик авжида эди, ҳатто кичкина бир ташкилотда ҳам ўнлаб зарур ва нозарур хар-хил шатлар

«Омадли»нинг омади — ёки тадбиркорга яратилган имтиёзлар шарофати ҳақида

Утган йилнинг ҳудди шу кунлари эди. Йўлда тасодифан янгийўлик дўстимни учратиб қолдим. Қўриқинишдан бироз хафироқ эди. Хол-аҳвол сўрашган, «тинчликми, хомшўроқсан?» деб сўрадим.

Утган йилнинг ҳудди шу кунлари эди. Йўлда тасодифан янгийўлик дўстимни учратиб қолдим. Қўриқинишдан бироз хафироқ эди. Хол-аҳвол сўрашган, «тинчликми, хомшўроқсан?» деб сўрадим.

Утган йилнинг ҳудди шу кунлари эди. Йўлда тасодифан янгийўлик дўстимни учратиб қолдим. Қўриқинишдан бироз хафироқ эди. Хол-аҳвол сўрашган, «тинчликми, хомшўроқсан?» деб сўрадим.

Утган йилнинг ҳудди шу кунлари эди. Йўлда тасодифан янгийўлик дўстимни учратиб қолдим. Қўриқинишдан бироз хафироқ эди. Хол-аҳвол сўрашган, «тинчликми, хомшўроқсан?» деб сўрадим.

Утган йилнинг ҳудди шу кунлари эди. Йўлда тасодифан янгийўлик дўстимни учратиб қолдим. Қўриқинишдан бироз хафироқ эди. Хол-аҳвол сўрашган, «тинчликми, хомшўроқсан?» деб сўрадим.

Огоҳлик

Итман. Янгилик қўчаларга кириб қолганимда тўғри йўл кўрсатган, яна ўз бағрига олган Ватанимга бир умр сидиқидан хизмат қилман.

Ингилишча туман прокурори Рустам Нишонов ва ички ишлар бўлими бошлиғи Шавкат Норбековлар иштирок этишди.

Шунингдек, Қуйичирчиқ туман маданият уйида ўтган йилгилишда ҳам огоҳликка даъват этувчи сўзлар янгради. Бу ерда асосий эътибор хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишларни қўлайтириш, ёшларда Ватанга муҳаббат, халқимизнинг азалий қадриятларидан бири — юрт тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиқдай ардоқлаб сақлаш учун барча чора-тадбирларни кўришга қаратилди.

МИНТАҚА ТАРИХИДАГИ ЭНГ КУЧЛИ ДОВУЛ

Япония оролида бошланган «Рус» довули Корея яриморлига ҳам етиб келди. Айниқса, Жанубий Кореяга қарашли Чеджу оролида вазият анча оғирлашди. Маҳаллий ҳокимият вакилининг хабар беришича, довулдан қўллаб бинолар вайрон бўлган, халқ ҳўжалиғи жиддий зарар кўрмоқда.

Қурбонлар ҳақида ҳали яқуний маълумотлар йўқ. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тахминан юздан ортиқ одам ҳалок бўлган. Мазкур табиий офат мамлакат тарихидаги энг кучли довул экани аниқланди. Сўнгги бор яриморлда бу каби фалокат 1959 йили кузатилаганди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар одамлар воқeaлар

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА БИЗНИНГ РЕСТОРАН
Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги нишонланган 1 сентябрь куни Японияда биринчи ўзбек таомлари ресторани — «Silkroad» («Ипак йўли») таъбир-ресторани очилди.

ШВЕЦИЯ АЭРОПОРТИДА ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ
Швеция пойтахти Стокгольм аэропортида мамлакатнинг асл келиб чиқиши тунислик бўлган фуқароси самолётга ўқотар қурол билан чиққатгани аниқланди ва зудлик билан ҳибсга олинди. Ҳавотирли томони шундаки, полиция қуролли йўловчи парвоз чоғида самолётни қўлга олиб, АКШнинг Европадаги элчихоналаридан бирига урмоқчи бўлган, деб гумон қилипти.

Минтақа тарихидаги энг кучли довул

«НЕМИС ТҮЛҚИНИ» ҲАМ ИШТИРОК ЭТАДИ

«Тошкент ҳақиқати» — «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти ҳамда ГФРнинг ўзбекистондаги элчихонаси муштарилар учун «Германия — дўстлар диёри» широри остида ўтказиб берилган танлов қамрови кенг ва қизиқарли халқаро тадбир тусини олмақда: унинг учун Германиянинг дунё таниган фирмалари ўз совринларини таъсис этишмоқда.

Танловга қизиқиш тобора ўсиб бораёпти. Куни кеча таҳририят яна бир хушбар келди: газеталаримиз муштариларга танловда «Deutsche Welle» — «Немис тўлқини» радиостанцияси ҳам фаол иштирок этиш хиятини маълум қилди. Мазкур радиостанция журналистлари таъсис этилган совринларга қўшимча таразда махсус ўз совринларини тайёрлаб Тошкентга — таҳририятимизга йўллашибди. Уларни танлов голибларига «Немис тўлқинининг» ўзбекистондаги муҳбири топшириши назарда тутилмоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас: радиостанция мазкур танлов голиблари ҳақида ўз эшитиришларида хикоя қилишни ваъда қилмоқда. Демак, Сизни жаҳон танийди!

«Германия — дўстлар диёри»

Радиостанция қандай совринлар тақдим этаётганини ҳазирча сир тутганимиз маъқул. Фақат уларнинг бариди мазкур радиостанция логотипи ўз аксини тоғанини айтишимиз мумкин. Саволларга жавобларини бизнинг кўзимизга. Танлов ниҳоятини ҳақида икки ҳафта кўзларини унутманг. Омад сизга ёр бўлсин!

Халқ табobati



Мудом ич қабзият бўлиб юрадиган маҳалларда, атеросклероз ва жигар, ўт пуфакнинг яллиғланиш касалликлари, иситма ҳамда ревматизмда табиблар олхўри мевасини ейиш ва баргидан дори тайёрлаб иччини буюришади. Олхўрида бўладиган қалин тузалари организмдан олиш тузи ва сув чиқишни кучайтиради. Шу сабабдан олхўри гипертония, буйрак касалликлари, подграда бир мунча наф беради.

Олхўрини ҳўлғича ейиш, қоқи қилиш, мураббо консервалар тайёрлаш учун кўп ишлатилади, шу билан бирга унинг шифобахш хоссалари борлиги замонавий табобатда аниқланган. Аритмия, камқонлик, атеросклероз билан оғриб юрган ва ичаги яхши юришмайдиган одамларга у, айниқса, фойдали. Олхўри иштаҳани очиб, овқат ҳазмини яхшилайди, витаминлар, органик кислоталар, минерал тузалар манбаи бўлиб ҳисобланади. Олхўри қоқисидан тайёрланган давлалар ва компотлар иччи юмшатиб бир қадар сийдик ҳайдовчи таъсир кўрсатади, қондаги холестерин миқдорини бир оз камайтиради.

Ишлатиш усули: 0,5 кг олхўри меваси устига 2 литр қайноқ сув қўйиб, паст оловда 20 минут қайнатилди. Юқорида айтиб ўтилган касалликларда шу қайнатmani 1 стакандан кунига 3-4 маҳал ичилади.

Узбек футболнинг 90 йиллиги ПСКЕНТ ҲАҚИДА НИШОНЛАНДИ

Илгари хабар қилганимиздек, шу кунларда мамлакатнинг барча шаҳар ва вилоятларида ўзбек футболнинг 90 йиллиги кенг нишонланмоқда. Фарғона водийси ҳамда Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ташкил этилган тантаналар минглаб футболсевар мухлислар иштирокида кўтаринки руҳда ўтди.

Ватанимиз футболнинг 90 йиллиги байрамининг Тошкент вилояти миқёсидаги тадбирлари истиклолнинг 11 йиллиги арафасида, яъни 31 август куни Пскент тумани марказий ўйингоҳида давом эттирилди. Узбек футбол фахрийлари — Малик Мавлонов, Исҳоқ Тошмухамедов, Геннадий Ермаков, Акмал Азизхўжаев, Анатолий Вишинский, Ўзбекистон футбол федерацияси мутахассислари Ахбор Имомхўжаев, Имом Зокиров, Шавкат Усмонов, мамлакатимизнинг собиқ футбол юдзулари Мустафо Билолов, Вячеслав Солохо ва бошқалар тушган автобус марказий ўйингоҳга етиб келди.

Вилоят футбол федерацияси масъул котиби Шомил Яфаров, «Ўзбекистон» футбол жамоаси мураббийи Биродар Абдураимов ҳамда туман ҳокимлиги вакиллари меҳмонларни кутиб олдилар. Ўйингоҳга ташриф буюрган мухлислар республика фахрийлари олиб келган ўзбек футболнинг кўп йиллик тарихини акс эттирувчи суратли кўчма музей панноларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Футболнинг фахрийлари билан мулоқотда бўлдилар. Юбилей тадбири Пскент туманининг «Ўзбекистон» ва Бўстонлик туманининг «Бўстон» жамоалари ўртасидаги учрашув билан якунланиши керак эди.



Аммо, улар белгиланган вақтдан бир соат кечикиб келдилар. Уйин соат 18.00 да бошланиб, 20 дақиқа давом этди. Шу қисқа вақтда мухлислар иккита голнинг гувоҳи бўлишди. Пскентликлар меҳмонлар дарвозасини икки бор ишғол қилишга улгурдилар. Хуллас, ўшбу тадбирда иштирок этган мухлислар Ўзбекистон футбол фахрийлари, бир пайтлар мамлакатимиз шўхратини кўкларга кўтарган футбол юдзулари билан қайта учрашиб, дилдан сўхбатлашиб, катта таассуротлар олдилар. СУРАТЛАРДА: марказий ўйингоҳдаги учрашувлардан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ПОЙТАХТДА ПРОФЕССИОНАЛ ТЕННИСЧИЛАР

Юртимизда тўққизинчи бор ўтказилаётган «Президент кубоги» турнири яқин кунлар ичида бошланади. Халқимиз дунёнинг энг кучли ракетка усталарининг ўйинларини яна бир бор томоша қилиш имконига эга бўлади.

Мамлакатимизда ўтказилиши аниқлаб айрилиб бораётган ўшбу турнирда қандай теннис юдзулари иштирок этади? АТП туркумидаги мусобақалар орасида қаторасига уч марта йилнинг энг яхши турнири номига сазовор бўлган «Президент кубоги» ни ўтказишга қандай тайёрликлар кетапти? Мазкур турнирда шу пайтга қадар кимлар голибликни қўлга киритган эди? Ниятимиз теннис мухлисларининг шу каби саволларига жавоб беришдир.

Теннис ишқибозларини учун Президент кубоғининг барча голибларини эслатиб ўтаемиз: Ч. Адамс (АКШ, 1994 йил), К. Алами (Марокко, 1995), Ф. Мантяга (Испания, 1996 йил), Т. Хенман (Буюк Британия, 1997-1998), Н. Кифер (Германия, 1999), М. Сафин (Россия, 2000-2001).

Бу йилги мусобақалар янада кескин ва муросасиз ўтиши кўтилмоқда, - деди спорт шарҳловчиси Рўзиқўлиқ Иброҳимов. - Халқаро турнирда дунёнинг турли давлатларидан маҳоратли теннисчилар қорғатилиши. Умуман, бу йилги мусобақада иштирок этаётган теннисчилар таркиби аввалги йилларга қараганда, янада кучли, яқинда Лондон шаҳрида яқинда етган «Уимблдон» турнири финалчиси - аргентиналик Давид Налбандян, шунингдек, Германиянинг биринчи ракеткаси Томми Хаас, 2000 йили «Президент кубоги» финалчиси, италиялик Давид Сангуинетти каби ракетка усталари голиблик учун қорғатилиши. Канаданин Торонто шаҳрида ниҳоясига етган «Туркистон-пресс».

Вилоят чемпионати МАРД МАЙДОНГА ТУШАДИ

Республика футбол чемпионатининг иккинчи табақаси жамоалари навбатдаги 15-тур учрашувларини ўтказдилар. Меҳмонлар ирриқ, меҳмонлар эса кичик ҳисобда ғалаба қозонишди.

Куйичирчиқ туманининг «Шоликор» футболчиларини қабул қилган «Цементчи» жамоаси 4:1 ҳисобида устун келди. «Акмал» ҳам ўз майдонда пешқадимлардан бири бўлган «Қиёра» жамоасини 4:2 ҳисобида енгиб, жадвалдаги мавқеини бироз ўнглаб олди. «Металлурги» футболчилари «Зафар» жамоаси майдонда тўп сурганига қарамай, муҳим 3 очкони қўлга киритдилар (0:2). Чемпионатда иккинчи ўринда бораётган «Тошкент» жамоаси ҳам сафардан уч очко билан қайтди. Тошкентликлар «Оҳангарон» футболчилари дарвозасига битта жавобсиз тўп киритдилар.

Уч беш турдан бери мағлубият нималигини билмай келаётган «Ўзбекистон» жамоаси бу сафар техник ғалаба ҳисобига уч очколик бўлди. Чунки, «Бўстон» жамоаси учрашувга анча кечикиб келгани боис қандайдир мувофиқ улarga мағлубият ёзишга тўғри келди.

Биринчи табақа «КИМЁГАР» ПЕШҚАДАМДАН ОЧКО ТОРТИБ ОЛДИ

Мамлакат чемпионатининг биринчи табақасида 21-тур учрашувлари бўлиб ўтди. «Кимёгар» чемпионатида 52 очко билан қорғатилиш қилаётган «Гуллистон» футболчиларини ўз майдонда қабул қилди.

Ҳар икки жамоанин рақиб дарвозасини ишғол қилиш йўлидаги барча уринишлари самара бермади ва дарвозалар даҳслонлиги ўйин охиригача сақланиб қолди. «Кимёгар» очколар сонини 38 тага етказиб жадвалда ҳамон бешинчи ўринни банд этиб турибди. Келесини «Солиқчи» жамоаси эса Шарҳиёнда тўп суриб, биринчи бўлимадак ўйинни бой бериб қўйди. Учрашув 4:1 ҳисобида майдон эгалари ғалабаси билан якунланди. «Солиқчи» 24 очко тўплади.

Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги Оҳангарон «Мармар» корхонаси раҳбари Мансур Худойкуловга падари буржувори Ҳамдамжони буювнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўғлим Жаҳонгир бешинчи синфга ўтдию Мирзабекнинг асқияларини ўхшатиб айта бошлади. Қочиримлари ҳам бинойидек. Хурсанд бўлдим, ахир ҳозир қизиқчилик ҳам яхши қасб, ўзбекининг нимаси кўп — тўю томошаси кўп.

Истеъдод ҳам папалаб турлиса энига-ю, бўйига ўсавераркан. Асқияларга хангомалар, афанди-ю, лоғлар қўшилди. Баъзида ёлғонлаб кимнидир «чу» тушириб, ҳаммани қўлдиради. Қўшилиб мен ҳам куламан. «Ҳали Мирзабекдан ҳам ўтасан, ўғлим, Гафур Фуломнинг Шум боласию Алдар кўса сенга «чикора», болам...»

Мақтовдан қувонган Жаҳонгир секин жилмайганча мушук боласидек пинжигма сўқилди-да, уялганнамо футбол тўпига пул сўради. Талант ўқимасин. Тиш қавағида асраб юрган уч минг сўмни шартта чиқариб унга узатдим. — Ма, ўғлим, тузуқроғидан ол! Унча-мунча копток бу дўм тўйхонасининг темир устунлари-ю, арматура панжараларига ҳадеб «шўр пешонасини» ураришга чидалмайди.

ҚИЗИҚЧИ БҮЛАДИГАН БОЛАМ

— Ҳа, дада. Кеча чоршанба эди. — Унда оқшом телевизордаги спортлото ўйинини кўрмадингми? — Йўқ. — Ия, сени қара-ю, ўнта вариантни чиқиб келганман-а. Дўминизда кимдир ўйнаб туради дегандинг. — Элёр акамлар. Лекин, эртага жума — «Мулқдор»да чиқади-ку. — Ия, қанақа одамсан! Эртагами... Ютиб, миллионер бўлган бўлсақ-чи, эски буйрадек уйда чанг босиб ётаверайликми? Бор, қўнғирроқ қил! Жаҳонгир ошхонадан эри-нибгина чиқиб кетди. Естиққа ёнбошлаганча уни кута бошладим. Хил ўтмай у қайтди — қўлидаги бир парча қоғозда янги тиражнинг олтига ютуқли рақамлари ёзилган эди. Чипталарни текшира бошладим. Сира яқинига йўлламайди. Тўққизтаасидан ҳафса-лам пир бўлди, қўйди. Дик-қатим ошди, қачон бизга ой кулиб боққанди, энди боқ-са. Истамайгина охиригисига кўз югуртирдим. Ваҳ-ҳай-ҳай. Қўларимга ишонмайман — қаторасига мен чизган учта рақам тўғри келяпти. Юра-

25 миллион. Оҳ-ҳа-ҳе. Миллионернинг ўғлисан энди. Мақтабга бориб ўтирмай «Жаҳон қизик» гуруҳини ташкил қилавер! Ҳомий тайёр! Жаҳонгир галларимдан сакраб-сакраб, мендан бат-тур қувонди, мени қайта-қайта кўчиб, касал бўлсам-да, юз-кўзларимдан тинмай ўпарди. — Эшикни қўлқаб қўй, — дедим ўғлимга қараб жиддий тортиб.

Тергандим, қўйлагимнинг енгидан кимдир тортиқла-япти. Қарасам, ўзимнинг Жаҳон қизик. Ҳатто унинг уйдалигини ҳам унутибман. — Ҳа, нима дейсан? — дедим миллионерларга хос виқор билан. — Пича халақит бермай турсанг уласанми? — Боя... — Нима, боя... Гапир! — Ҳазиллашадинг. Телефон дастағи қандай қилиб қўлимдан полга тушиб чил-чил бўлганини билмайман. Юрагим санчи-чи, бошим гир айланиб, кўз олдим қоронғилашиб, тил ўлгур қалимага келмай, деворга сунганимча «шилк» этиб полга ўтириб қолдим.

— Нега алдадинг, аблах? — дедим сал ўзимга келиб. — Сизни бир хурсанд қилай дедим-да, дада. Нега кундан буюн касал-сиз... — Эй, касал бўлмай мен ўлай, хурсанд қилмай сен ўл Бирданига йигирма беш миллиондан айрилган одам жинни бўп қолиши ёки юраги ёрилиб ўлиши мумкин-ку. — Кечиринг! — Йўқол қўзимдан. Мирзонинг кассетларини ҳам бошқа кўрмай. Ҳе, ўргулдим сендака хонаки маҳарабоздан.

Жаҳонгир қоқоқ уйиб чиқиб кетди. Яна секин лўлаболишга холсизгина ёнбошлайман. Пешонамни ушласам ёнади — ўт-олов, иситмаман банд. Туриб-туриб, аламин ошди. Мана, болани эркалатилишининг оқибати. Топган қилигини қаранглар-а. У телефонда ҳеч ким билан гаплашмай, мен ўйнаган чипталардан биридида қизилган рақамларни кўчириб чиққан экан. Ўргулдим-ей, сендақ ўғилдан. Қандай тез бойган бўлсам, шундай тез гадо бўлдим-а. Эҳ-ҳе, бу туш бўлса ҳам майли эди... Аджам ДАМИН.

Ажойиботлар ҲАЙДОВЧИСИЗ... ТАКСИ

Узлсда ҳайдовчисиз таксилар синовдан ўтказилмоқда. Вақти келиб, транспортнинг бу тури пойтахт муниципал туримининг бир қисмига айланади. Такси тўрт кишига мўлжалланган ва у релслар бўйлаб соатига 40 километр тезликда ҳаракатланади. Йўловчилар эса, машинани қаерда тўхташи лозимлиги ҳақида белги қўйилган электрон қарточка ёрдамида ҳақ тўлайдилар.

НАХАНГАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

Ақулларнинг 250 туридан фақат 12 та ситгина қонхўр ҳисобланади. Утган асрда улар минг марта инсонга ҳужум қилган бўлса, унинг ярами фожиа билан тугаган. Энг қонхўр ийртқич — Оқ ақула ҳисобланади.

ҲАҚИ ҲАРОРАТГА БОҒЛИҚ

Валенсидаги «Астория ПЭЛОС» меҳмонхонаси сайёҳлар учун янги ҳақ тўлаш тизимини жорий қилди. Июль ва август ойларида меҳмонхонада яшовчилар ҳавонинг ҳарорати билан тенг ҳақ тўлайдилар. Агар, кўчада 32 даража иссиқ бўлса, сайёҳлар меҳмонхонадаги битта хона учун 32 евро, 19 даража бўлса, 19 евро ҳақ тўлаши керак. Директор ҳаво ҳароратини ҳар кун икки 15.00 да ўлчашга ваъда берган.

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда Муассис: ТОШKENT ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ Шелефонлар: Ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Ҳафта «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида тарилди ва саҳифаланди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.